Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 134 (4829).
15 ИЮНЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев бошчилик қилаётган Ўзбекистон делегацияси Македония Социалистик Республикасига визит билан келди.

Делегация Македониянинг маъмурий маркази —Скопле скупшчинасига борди. Шаҳар скупшчинасининг раиси Т. Апостоловский билан суҳбат бўлиб ўтди.

● «Шаҳар транспорти» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақолада шаҳарларнинг аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилашга доир вазифалар ҳақида фикр юритилади.



Ф. Муродова 20 йилдан буён Тошкент асбобсозлик заводида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар илғори ўз иш тажрибаси билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Айни пайтда моҳир ишчи 1983 йил ҳисобига ишламоқда..

СУРАТДА: Ф. Муродова.

В. Сироткин фотоси.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

ХАЛҚАРО МАВЗУДА СУҲБАТ

Нью-Йоркда БМТ Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси очилди. Бу — бирлашган Миллатлар тарихида бутунлай қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш ва қуролсизланишга бағишланган иккинчи анжумандир. Қуролланиш пойгаси авж олдирилишини жиловлаб қўйиш ва қуролсизланиш ҳозирги вақтда энг муҳим ва кечиктирилмай ҳал этилиши лозим бўлган проблема бўлиб қолди. Сессиянинг чақирилиши халқларнинг ер юзида пайдо бўлган термоядро уруши хавфининг олдини олиш, планетамизда сиёсий иқлимни юмшатишга интилаётганлигининг ифодаси бўлди. Ўрток Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, Совет Иттифоқи сессиясининг муваффақиятли ўтиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг ана шу проблемага бағишланган биринчи махсус сессияси 1978 йил май—июнь ойида бўлиб ўтган эди. Бу сессия БМТ 1969 йилда тантанали равишда эълон қилинган қуролсизланиш биринчи ўн йиллиги якунларини чиқарди. Совет Иттифоқи бошлиқ тинчликсевар давлатларнинг сарфлаган жуда катта куч-ғайратлари туфайли қуроллариш пойгасини жиловлаб қўйиш соҳасида муайян силжишга эришилди. Ана шу ижобий силжишларни янги амалий ишлар билан мустаҳкамлаш зарур эди. Шунинг учун ҳам БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи махсус сессияси муҳим ва фойдали қарорлар қабул қилган эди.

Бирок НАТО агрессив блоки ва аввало, АҚШ қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш соҳасида олға томон силжиб бориш йўлига янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлаб ғов сола бошладилар, 70-йилларнинг охиридан бошлаб эса халқаро муносабатларда конфронтация сиёсатини ўтказишдан иборат милитаристик йўлни очиқдан-очиқ амалга ошира бошладилар.

БМТнинг бу галги анжумани мураккаб халқаро вазиятда тўпланди. Ғарбнинг таъсирли доиралари «Совет хавфи» тўғрисидаги миноғионка уйдирмаларини ниқоб қилиб, қуролланишни авж олдириш, оммавий қирғин воситаларининг янада кучли ва жуда катта вайронгарчилик келтирадиган янги турларини вужудга келтириш йўлига тушиб олдилар. Қуролланиш пойгасини телбаларча авж олдириш ташаббускори бўлган Американинг ҳозирги маъмурияти бу жазавада биринчиликни қўлдан бермаяпти. Вашингтон маъмуриятининг стратегик йўли тобора хавфли ва беъмани тус олмоқда. Бу йўл «чекланган» ядро уруши, «намойишкорона» ядро портлатишлари сингари одамхўрлик доктриналари ва концепцияларида ўз ифодасини топмоқда. Оқ уй халқларда ядро уруши бўлиши, биринчи бўлиб ядро қуролини қўлланиш мумкинлиги тўғрисида фикр уйғотиш мақсадида ана шу найрангларни ишга солмоқда.

Бундай шароитларда ажал келтирувчи қурол-яроғларнинг янада ҳавфли янги турларини вужудга келтириш йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, ядро уруши олдини олиш ҳозирги замоннинг энг муҳим талаби бўлиб қолди. Совет Иттифоқи иккинчи махсус сессия вазифаларига худди ана шу нуқтаи назардан ёндошиб, ҳозирги вақтдаги энг ўткир проблема — қурол-яроғлар пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш проблемасининг ҳал этилишига эришиш учун биргаликда сабот-матонат ва сабр-тоқат билан иш кўришга даъват этмоқда.

СССРнинг бу принципиал позицияси мантиқий равишда КПСС XXVI съездида эълон қилинган 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программасидан, Л. И. Брежневнинг якинда сўзлаган нутқларидан келиб чиқади. Ўрток Л. И. Брежнев термоядро уруши хавфини камайтириш, халқаро вазиятни тубдан соғломлантиришга қаратилган янги, йирик амалий ташаббусларнинг бутун бир комплексини илгари сурди. Совет томони бир неча бор таъкидлаб ўтганидек, СССР ўзаро келишувга мувофиқ бирон-бир томоннинг хавфсизлигига зиён етказмаган ҳолда қурол-яроғларнинг ҳар қандай турини чеклаш ёки таъқиқлашга тайёрдир. СССРнинг амалий таклифлари жаҳон прогрессив жамоатчилиги, БМТга аъзо бўлган мамлакатларнинг асосий кўпчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва кизғин маъқулланмоқда.

Ғарб мамлакатларида урушга қарши кудратли ҳаракат авж олиб кетди. Бу ҳаракатда аҳолининг кенг қатламлари, сиёсий эътиқодлари турлича бўлган кишилар қатнашмоқдалар. Вазифа АҚШ маъмуриятини сиёсий реаллик кўрсатиб иш тутиш, қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга масъулият билан ёндошиш йўлидан боришга мажбур қилишдан иборатдир.

Ер юзи халқлари БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган иккинчи махсус сессияси тинчликни мустаҳкамлаш, қурол-яроғларни чеклаш, термоядро ҳалокатининг олдини олиш масалаларини ҳал этишга ижобий ҳисса қўшади ва шу тариқа халқаро ҳамжамият уставининг асосий вазифаси: «келажак авлодларни уруш мусибатларидан халос этиш» вазифасини амалга ошириш соҳасида муҳим қадам қўяди, деб умид билдирмоқдалар.

В. МАТЯШ,
(ТАСС).

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари—ҳаётга

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг чорвачиликни янада ривожлантириш ҳақидаги қарорига биноан Октябрь район ошхоналар трести коллективи умумий овқатланиш корхоналарининг чиқиндилари билан боқиладиган чўчқачилик хўжалигини ташкил этганди. Олдинига бу хўжаликда 27 та чўчқа боқилди. Бугунги кунда эса база 2000 дан ортиқ чўчқага эга. Ишга бошидан бери ана шу чўчқалардан 35 тонна гўшт маҳсулотлари топширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 тонна кўпдир.

СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программасида қуйидаги сўзлар айтилган: «...**Мазкур корхоналар ва ташкилотлар ҳузурида беҳуда нсроф бўлаётган иссикликдан фойдаланиб, теплица хўжаликлари, шунингдек, чорвачилик фермалари ва мева, сабзавот махсулотлари учун омборхоналар кенг кўламда курилиши йўлга қўйилсин».**

Ҳозир чорвачилик хўжалиги янада кенгайтирилмоқда. Бу ишларнинг деярли ҳаммаси ҳашар йўли билан, оталиқ ёрдамида бажарилмоқда. Ҳадемай 600 чўчқа болалари учун мўлжалланган янги цех ишга туширилади. Бундан ташқари ёзги корпус биноси қурилади. Янги жиҳозлар ўрнатилади. Бу билан олиб келинадиган ҳар хил чиқиндилар ва ўтлар керак бўлган вақтда қайта ишлаб берилади. Келажакда чорвачилик хўжалиги ўзининг колбаса ишлаб чиқарадиган цехига эга бўлади. 6 гектар майдонда чўчқалар учун хар хил ем-хашаклар ўстирилади. Бу ишларнинг ҳаммаси маҳсулот таннархини камайтириш билан хўжаликка катта даромад келтиради. Шунинг учун ҳам чорвачилик хўжалигидаги чўчқалар сонини ўн биринчи беш йиллигининг охирига бориб 10 минг бошга етказиш кўзда тутилмоқда.

Чўчқачилик хўжалигига «Ўзэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси, тажриба механика заводи, «Ўзтрансспецстрой» ва бошқа ташкилот коллективлари катта оталиқ ёрдамини кўрсатишмоқда.

МУСОБАҚА АВЖИДА

Тошкентдаги тажриба-механика ремонт экскаватор заводидан коммунист Нурилла Хусниддинов раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахта кунларини рекорд унумдорлик билан нишонламоқдалар. Детелларга термик ишлов беришнинг илғор усулларини ўзлаштириб олган бу коллектив маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтиришга эришди. «Чақмоқ» мусобақа экрани илғор бригада 1984 йил ҳисобига маҳсулот бера бошлаганлигини маълум қилди.

Коллективнинг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларида Н. Хусниддиновнинг хизмати катта. Уни корхонада ўз ишининг энг яхши устаси сифатидагина эмас, балки тажрибали агитатор сифатида ҳам билишади. Н. Хусниддинов ўз участкасида доимий равишда партия сиёсатининг актуал масалалари юзасидан суҳбат ўтказиб, ҳар бир ишчида ишга ижодий ёндошиш, халқ хўжалик планларини бажаришга ўз ҳиссасини кўпайтиришга интилиш фазилатларини тарбиялайди.

Термистлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейигача беш йилликнинг тўрт йили планини бажаришга сўз бердилар.

(ЎзТАГ мухбири).



20 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Куйбишев районидаги «Қорасув-2» массивида жойлашган 48-сайлов участкаси агитаторлари қизиқарли лекция ва суҳбатлари билан сайловчиларни мамнун этишмоқда.

СУРАТДА: участка сайлов комиссияси аъзолари ва агитаторлари навбатдаги тадбирни ўтказиш ҳусусида маслаҳатлашмоқдалар.

Ф. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Куни-кеча Тошкент Техника уйида Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармаси, Ўзбекистон ССР илмий-техника жамияти Совети, Тошкент Техника уйи, Ўзбекистон ССР машинасозлик саноати илмий-техника жамияти Тошкент область правлениеси ташаббуси билан ташкил этилган «Республика корхоналарида саноат маҳсулотини синашни ташкил этишнинг назарий ва амалий масалалари» мавзуидаги республика семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармаси бошлиғи М. М. Мирсоатов «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида маҳсулотни давлат томонидан синаш системасини ривожлантиришнинг аҳволи ва асосий йўналишлари» мавзуида, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори С. П. Тетушкин «Пахта тозалаш учун машиналар синовини ўтказишни ташкил этиш ва синовни метрологик жиҳатдан таъминлаш масалалари» мавзуида, Бутуниттифоқ стандартлаштириш илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими М. С. Шадрин «Саноат маҳсулоти давлат синови системасининг асосий коидалари» мавзуида, Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноати министрининг биринчи ўринбосари Т. Э. Эргашев «Қурилиш материалларининг давлат синовини ўтказиш бўйича моддий-техника базаси яратиш ва ривожлантириш» мавзуида, Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрининг ўринбосари Г. Н. Москвкин «Республикада мебель маҳсулотларининг давлат синовини ташкил этиш системаси ва уни ўтказиш тартиби» мавзуида ғоят мазмунли доклад қилишди. Жами 30 га яқин доклад ва нутқлар тингланди.

Семинарда саноат маҳсулоти синовини ташкил этишни яхшилаш ва республикамизда саноат маҳсулотлари сифатини тинмай юксалтириб бориш бўйича яхши таклифлар ва тавсиялар айтилди.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИДА

Ленин район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг катнашчилари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил), май (1982 йил) Пленумлари қарорларида, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларида илгари сурилган иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга сайланган актив билан ишлаш форма ва методларини янада такомиллаштириш, уларнинг ролини ошириш бўйича тадбирларни муҳокама қилдилар. Район партия комитетининг иккинчи секретари Х. Муҳутдинов доклад қилди.

Докладни муҳокама этишда «Ташсантехгазмонтаж» трести партия комитетининг секретари Х. Жумаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти цех партия ташкилотининг секретари Ю. Горелкин, В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитетининг секретари М. Расулов, Тошкент химия-фармацевтика заводи директори Э. Шевченко, район комсомол комитетининг биринчи секретари Р. Исломов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Йиғилиш қатнашчилари резолюция қабул қилишди, унда сайланган актив билан ишлаш форма ва методларини янада такомиллаштириш, ўн биринчи беш йилликдаги иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишда уларнинг ролини ошириш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон композиторлари VIII съезди

14 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди симфоник музика концерти билан очилди. Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри, Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетининг хори ижросида янги асарлар янгради.

Ўзбекистон композиторларининг катта ҳисоботи бошланди. Бир ҳафта мобайнида симфоник, хор, эстрада асарларидан, камер музикалардан концертлар бўлиб ўтади. Халқ чолғу асбоблари оркестри концерт беради. Ёш композиторлар, Тошкент Давлат консерваториясининг студентлари ўз концертларига таклиф этадилар.

VIII съезд Ўзбекистон композиторлари фаолиятига якун ясаб, уларнинг ижодий маҳоратини янада такомиллаштириш, замондошни, совет кишиларининг ишлари ва ютуқларини муносиб равишда мадҳ этувчи асарларни яратиш йўлларини белгилаб беради.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ—ИЛҲОМ МАНБАИ

УЗБЕКИСТОНДА «НОВИЙ МИР» ЖУРНАЛИ КУНЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Республика меҳнонлари — машҳур совет адиблари саноат корхоналарининг, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари билан, студентлар ва олимлар билан, ижодкор ҳамкасблари билан учрашдилар. Шундай суҳбатлардан бири Бухоро областининг Ғиждувон районида бўлиб ўтди. Журнал ходимлари ва муаллифлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашаётган механизаторларнинг шонли ишлари билан танишдилар. Москвалик ёзувчилар кўхна Афшонада — буюк Абу Али ибн Сино юртида ҳам бўлишди.

— Республика ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг партия XXVI съезди қарорларини амалга оширишга қаратилган ҳаҳрамонона меҳнати билан танишув — барча ёзувчиларга ижодий илҳом бахш этади, — дейди СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Новий мир» журналининг бош редактори Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов. — Ўзбекистон бўйлаб сафар чоғида ёзиб қўйган мулоҳазаларимиз бўлажак асарларимизда ўз ифодасини топиши муқаррар. Биз доимо Совет Ўзбекистони муваффақиятларини қизиқиб кузатиб борамиз, бу йилги самимий учрашувлар бизни янги ёркин таассуротлар билан бойитди. Бундан ташқари журнал кунлари давомида бизнинг қадрдон дўстларимиз — республика адиблари билан келгусидаги ижодий фаолият йўлларини яна бир бор муҳокама қилиб олишдек ажойиб имконияти эга бўлдик. Республика адибларининг асарлари «Новий мир» саҳифаларидан муносиб ўрин олмоқда. Биз Ўзбекистонга, унинг ажойиб меҳнаткашларига «Яна кўришгунча, хайр!» деймиз.

«Новий мир» журналининг Ўзбекистон ССРдаги кунлари ниҳоясида москвалик адиблар ва Ўзбекистон ёзувчилари ўртасида ижодий суҳбат бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Ҳ. Қ. МУҲИТДИНОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия аппарати ва юстиция органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси Ўрток Ҳалима Қодировна **Муҳитдинова** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 14 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада музика санъатини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун А. Н. Островский номли Тошкент театр санъати институти педагоги Ўрток Наталья Ивановна **Калинковага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими»** фахрий унвони берди.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллигига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича шаҳар ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров 1983 йилнинг сентябрида нишонланадиган Тошкентнинг 2 минг йиллик байрами Ўзбекистон пойтахтининг ва бутун республикамизнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётида йирик воқеа, СССР халқлари бузилмас дўстлигининг байрами, КПСС ва Совет давлати ленинча миллий сиёсатининг тантанаси бўлади, деб таъкидлади. Юбилейга тайёргарликдан КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг коммунистик қурилишнинг актуал масалалари бўйича кўрсатмаларини ва тавсияларини амалга ошириш, иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажариш, ватанпарварлик ва интернационализм руҳидаги тарбиявий ишларни кучайтириш учун Тошкент меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активлигини янада оширишда кенг фойдаланилади. Тошкентнинг 2 минг йиллигига тайёргарлик ва унинг байрам қилиниши билан боғлиқ ташкилий ҳамда идеологик тадбирлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш юзасидан олдимизга қўйган вазифаларини бажариш билан мустаҳкам бирликда олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Тошкентда шонли санага тайёргарликка доир кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Тошкентликлар жонажон шаҳарларининг юбилейини юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга эришиш учун биргаликда сабот-матонат ва сабр-тоқат билан иш кўришга даъват этмоқда.

Ер юзи халқлари БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган иккинчи махсус сессияси тинчликни мустаҳкамлаш, қурол-яроғларни чеклаш, термоядро ҳалокатининг олдини олиш масалаларини ҳал этишга ижобий ҳисса қўшади ва шу тариқа халқаро ҳамжамият уставининг асосий вазифаси: «келажак авлодларни уруш мусибатларидан халос этиш» вазифасини амалга ошириш соҳасида муҳим қадам қўяди, деб умид билдирмоқдалар.

В. МАТЯШ,
(ТАСС).

Пленумлар қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этиш — партия ташкилотларининг асосий вазифаси. Ленин район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг катнашчилари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил), май (1982 йил) Пленумлари қарорларида, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларида илгари сурилган иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга сайланган актив билан ишлаш форма ва методларини янада такомиллаштириш, уларнинг ролини ошириш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди.

телетайп лентасидан

△ **ХОШИМИН.** Вьетнам, Лаос ва Кампучия давлат авиация компаниялари ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни янада кенгайтириш программасини тузиб чиқди. Ҳинди-Ҳитойдаги уч мамлакат граждан авиацияси раҳбарларининг бу ерда бўлиб ўтган кенгашида шу тўғридаги ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар янги авиация линияларини очишни, авиация техникасини ремонт қилувчи устахоналарни биргаликда қуришни, кадрлар тайёрлаш учун ўқув юртлари ташкил этишни кўзда тутади.

△ **ВАШИНГТОН.** Қўшма штатларда ишсизлик даражаси шу йилнинг май ойига келиб урушдан кейинги бутун давр мобайнида рекорд даражага — ёлланиб ишловчи кучларининг 9,5 процентига етди. Америка меҳнат статистика бюроси шу ҳақда хабар берди.

Ҳозирги вақтда ҳаммаси бўлиб 18,5 миллион америкалик ишсиз. Бу эса ўтган йил июль ойидагига нисбатан 2,7 миллион киши кўп. Мутахассислар энг яқин ойлар ичида меҳнат бозори маълумотларини битириб чиқувчилар билан тўлганда ишсизлар сони янада кўпаяди, деб кутмоқдалар. Экономикадаги чуқур тушкунликнинг давом этаётганлиги АҚШ «ортиқча кишилар» армиясининг кўпайишига асосий сабаб бўлмоқда.

△ **ТЕҲРОН.** Эрон ислом республикасининг раҳбари Оятилло Ҳумайни радио орқали нутқ сўзлаб, АҚШ билан Исроил бизнинг душманларимиз, деб айтди. У АҚШ билан Исроил Эронда мавжуд тузумни барча воситалар билан, шу жумладан Эрон жамиятини парчалаш ва издан чиқариш йўли билан барбод этишга уринаётганликларини уқтириб ўтди. Ҳумайний Форс кўрфази мамлакатларини Америка империализмига қарши курашда бирлашишга чақирди.

△ **ЖАКАРТА.** Япония Шарқий Жанубий давлатлари (АСЕАН) уюшмасининг саноат корхоналари қурилишига 3,5 миллиард долларлик кўп маблағ сарфлади. Лекин ПАП агентлигининг уқтириб ўтишича, Японияга бундай «индустриаллаштириш» Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур ва Таиландни иқтисодий ривожлантиришга ёрдам бермайди. Автомобиль, холодильник, кондиционер, телевизор ва бошқа рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш заводларининг иши Япониядан деталлар ва узеллар етказиб бериш билан тамомила боғлиқ қилиб қўйилган. АСЕАНдаги ҳом ашёни қайта ишловчи бир неча корхонага келганда уларнинг маҳсулоти бевосита Японияга ва бошқа мамлакатларга олиб кетилмоқда. Шундай қилиб, Япония бизнесменлари ўз «заҳарларини бир неча марта ошириб қоп-ламоқдалар.

△ **КАМПАЛА.** Уганда ҳукумати мамлакатда энг муҳим қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини, шу жумладан кофе, пахта, тамаки, чой баргини сотиб олиш нархини оширишга қарор қабул қилди.

Кофени харид қилиш нархи 43 процент ошди. Ҳукуматнинг бу тадбирлари, деҳқонларга мол ва иш қуролларини сотиб олиш имкониятини кенгайтиради, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширади.

(ТАСС).

ҲАММА НАРСА — ИНСОН УЧУН, ИНСОННИНГ БАХТ-САОДАТИ УЧУН

КИРОВ РАЙОНИ: сайловдан—сайловгача

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДА

Ж. ЖОНИБЕКОВ,
Киров район Совети ижроия комитетининг раиси.

Биз белгилаган режалар аниқ амалга оширилиши одат тусига кириб қолган. Мана, бугун маҳаллий Советларга сайловлар арафасида район босиб ўтган йўлга хаёлан назар ташлаб, ўтган икки йил ичида жуда кўп иш қилингани, халқ депутатларининг районни социал-иқтисодий ривожлантиришга қўшган ҳиссаси қанчалик салмоқли бўлганини кўрамиз.

Сайловдан буён ўтган вақт ичида меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш савиясини ошириш бўйича катта ишлар қилинди. Натижада икки йиллик план 102,6 процент бажарилди, планга қўшимча 8,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ўн саноат корхонасидан 8 таси 180 номда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаряпти. Учинчи кварталдан бошлаб улар сафига «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам қўшилди.

Йил сайин маҳсулот сифати яхшиланиб боряпти. Ҳозир район саноати 17 хил буюмни давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқаряпти.

Халқ депутатлари Киров район Совети ва унинг ижроия комитети меҳнат коллективларини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишга, барча резерв ва имкониятлардан фойдаланишга, район халқ хўжалигининг баъзи тармоқларидаги нуқсонларга тезроқ барҳам беришга сафарбар этиш юзасидан катта ишлар олиб боряпти. Депутатлардан — 11-«Висотстрой» трести монтажчилар бригадири А. Паршуков, «Строймеханизация» трести кранчиси Л. Сверчкова, асбобсозлик заводи фрезерловчиси С. Ғуломов ва бошқалар план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун мусобақа ташаббускорлари бўлишяпти, юксак унум билан меҳнат қилмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган режаларини белгилаб, инсон тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Мамлакатни ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида совет кишиларининг уй-жой шароитларини яхшилаб бориш қайд қилиб ўтилган. Бизнинг районимизда ҳам қурилиш кенг миқёсда олиб бориляпти. Ўтган икки йил ичида кировликлар 247,4 минг квадрат метр турар жой олдилар.

11-«Висотстрой», «Ташоблколхозстрой», «Узэлектромонтаж» «Узколхозспецстрой» қурилиш трестларининг коллективлари муайян ютуқларга эришдилар. Улар 1981 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил Байроқлари билан тақдирландилар.

Шу беш йилликда қурилиш миқёслари катта бўлади. 1982 йилда биз 87 миллион сўмга яқин капитал маблағларни ўзлаштиришимиз, 250 минг квадрат метрдан зиёд турар жойларни фойдаланишга топширишимиз лозим. Тошкентнинг 2000 йиллигигача телеминора, «Главпочтамп», Семашко номидаги илмий-тадқиқот институтининг болалар корпуси, асбобсозлик заводининг иккинчи ишлаб чиқариш корпуси, Роза Люксембург номидаги шифохона, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг лаборатория корпуси, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуюв цехи бўлими сингари объектлар қурилиши ниҳоясига етади. Қурилишнинг кенгайиши халқ депутатларидан пудратчи ташкилотлар ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашда, қурилишни индустрлаштириш даражасини оширишда, резервлардан тўлароқ фойдаланишда, энг аввало меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда активроқ қатнашишни талаб этади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистоннинг энг муҳим социал ютуқларидан бири ишчилар синфи сонининг анча ўсганидир. Бу районимизга ҳам тааллуқли, албатта. Бизда 24 мингдан зиёд ишчилар бор. Йил сайин уларнинг касб маҳорати ошиб боряпти, сиёсий активлиги кучайяпти. Кадрлар тайёрлашда ҳунар-техника билим юртлари катта роль ўйнамоқда. Ҳозир райондаги бешта билим юртида 4 мингга яқин ёшлар таълим олмоқдалар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ва касаба союз ташкилотлари ташаббуси диққатга сазовордир, уларда бевосита ишлаб чиқаришда кадрлар малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича катта ишлар олиб бориляпти.

Советлар КПСС Марказий Комитети май Пленуми белгилаб берган озиқ-овқат программасини бажаришга салмоқли ҳисса қўшишлари керак. 1982 йил охирига бориб биз чўчқа боқиш комплексида чўчқалар сонини 1300 бошга етказиш (56 тонна гўшт етиштириш)ни мўлжаллаяпмиз. Ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишда саноат корхоналарига ёрдам кўрсатамиз. Бу корхоналар ўз коллективларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилайдилар..

Ўртоқ Л. И. Брежнев совет халқининг турмуш фаровонлигини янада ошириш тўғрисида сўзлаб, гап олдинги рақамлар ва нормаларни таққослашда эмас, балки совет кишиларининг талаб-эҳтиёжлари тобора ўсиб бораётганлигида эканлигини таъкидлаб ўтганди. Бу эса депутатларни халқ хўжалигининг барча тармоқларида янада қатъийроқ иш олиб боришга, изланишга ундамоқда.

Кировликлар ишчилар синфининг ва халқ зиёлиларининг энг муносиб вакилларини депутатликка номзод қилиб кўрсатдилар. Депутатликка номзодлар билан учрашувларда районимиз эҳтиёжларини акс эттирувчи наказлар берилди. Бу учрашувларда районимизда етилган социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда меҳнаткашларнинг накадар манфаатдорлиги ўз ифодасини топди. Энди бу наказларни амалга оширишга киришиш асосий вазифамиздир. КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифалар, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларидаги кўрсатма ва тавсиялар, КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини муваффақиятли бажаришимиз зарур. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шонли юбилейини янги меҳнат зафарлари билан кутиб оламиз.



СУРАТДА: Узбекистон проспекти. М. Нуриддинов фотолари.

ТАКЛИФЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

Район Советининг депутатлари сайловчилардан тушган наказларни ўз вақтида бажаришни биринчи галдаги вазифа деб ҳисоблайдилар. Шу боисдан бу ерда ҳар бир наказнинг бажарилишига катта масъулият билан ёндошилмоқда.

Жумладан, «Маданият» маҳалласининг аҳолиси шу территорияда жойлашган амбулаторияни реконструкция қилиш ва кенгайтиришни талаб қилишган эди. Реконструкция ишлари қисқа муддатда сифатли бажарилди.

Ёш гражданлар билан ишлашни яхшилаш мақсадида 114-мактабда ўсмирлар клуби ташкил этилди. Бу ерда болалар ва қизчалар қизиқарли машғулотлар билан банд бўлиб, ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишяпти.

«Еттитерак» кўчасидаги кўприк бузиқ эканлиги ҳақида депутатларга аҳолидан шикоят тушган эди. Ҳозир кўприк ремонтдан чиқарилди.

«Тинчлик» ва «Москва» маҳаллаларида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида нон ёпиш ташкил этилди.

Сайловчиларнинг наказлари асосида районда яшил тўсиқларни қирқиш, йўлкаларни ремонт қилиш, ёритгич мосламаларини ўрнатиш ва бошқа ишлар амалга оширилмоқда. 1980 — 1981 йилларда район Советининг депутатларига 47 наказ тушган эди. Уларнинг барчаси бажарилди.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ: сайловдан—сайловгача

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Н. ДЕҲҚОНХЎЖАЕВ,
Чилонзор район Совети ижроия комитети раиси вазифасини бажарувчи.

Совет халқи партия ва халқнинг ҳаётида муҳим воқеа бўлган КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини ҳаётга жорий қилиш учун юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида кураш олиб бормоқда.

Сайловдан-сайловгача ўтган вақт съезднинг ғоялари, Ҳисобот докладида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев айтган қоида ва хулосалар бутун меҳнаткашларнинг қалбига етиб, коммунизм қурилишининг авж олдириши учун ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолганлигини кўрсатди.

Бутун совет халқи сингари Чилонзор районининг меҳнаткашлари ҳам КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини чин дилдан маъқуллаб, ўзларининг бутун куч ва қобилиятлари, резервларни ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилмоқдалар.

КПСС XXVI съезди қарорларини оғишмай амалга оширишга ҳаракат қилаётган халқ депутатларининг район Совети иш самарадорлиги ва сифатини яхшилаш, 1982 йил ва умуман беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақанинг актив ташкилотчиси бўлиб қолмоқда.

Аввалги сайловдан кейин амалга оширилган ишларнинг асосий сиёсий ва иқтисодий якуни шундан иборатки, район хўжалигини динамик равишда ривожлантириш таъминланди, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида яна бир жиддий одим ташланди.

Район саноати 1980 — 1981 йилларда асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқни муваффақиятли уддалади. Планга қўшимча 5 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди. 1981 йилда умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йилга нисбатан 5,8 процент, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш 6,3 процент, маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш эса 21,3 процент кўпайди.

Капитал қурилиши юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. 120 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди, Олмазор массивида 1176 ўринли янги мактаб, Олмазор массивида, С. Сегизбоев кўчасида, 20-кварталда умумий ҳисобда 800 ўринга эга бўлган учта мактабгача тарбия муассасаси, 90 ўринга эга бўлган шаҳар онкологик диспансерининг корпуси ишга туширилди.

4500 ўринга эга бўлган В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи ишга тушди. Тошкентдаги энг чиройли массивлардан бири бўлган Олмазор микрорайонини, Халқлар дўстлиги проспектидаги метросозлар шаҳарчасини, «Узбитхимпласт»нинг ишлаб чиқариш корпусини, «Ёш гвардия» нашриёти босмахонасини, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети, «Узгипросельхоз», халқ хўжалиги институти биноларини, 16-кварталда 1176 ўринли мактабни, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 2-клиник шифохонасини, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти спорт комплексининг иккинчи навбатини, Крупская номидаги педагогика билим юртининг ўқув корпуси ва спорт залини ва бошқа қатор объектларини қуриш давом этмоқда.

Район планли асосда кўп қаватли уйлар билан жиҳозланиб бораяпти. Бу биноларнинг биринчи қаватидан магазинлар, социал, маданий-маиший хизмат объектлари жой олмоқда.

Районда Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари органларининг ролини ошириш учун кўп ишлар қилиняпти. Халқ депутатлари район Совети ва унинг ижроия комитети аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун жуда кўп тадбирларни амалга оширяпти, уларнинг кундалик эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга ғамхўрлик кўрсатяпти. Шаҳарсозлик ва ободонлаштиришни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар принципиал ҳал қилиняпти. Хўжаликларнинг фаолиятини назорат қилиш такомиллаштирилмоқда. Раҳбарликнинг услуб ва методлари муттасил яхшиланяпти, район Советининг депутатлар билан алоқаси мустаҳкамланмоқда, ошкоралик принципи ривожлантириляпти, сайловчиларнинг кўпчилик наказлари ўз вақтида бажарилмоқда.

Ҳозир бизда навбатдаги халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларга тайёргарлик ишлари якунланмоқда. Бу сайлов муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлади.

Анъанага кўра коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки учун овоз берилди. Мамлакатимиз гражданлари сайловда қатнашиб халқ вакилларига овоз берадилар. Уларнинг шунга ишончлари комилки, партиянинг совет халқининг моддий фаровонлигини оширишдан бошқа олий мақсади йўқ.

КПСС XXVI съезди она-Ватанимизни ривожлантиришнинг улуғвор йўлларини очиб берди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Чилонзор районининг меҳнаткашлари ҳам шаҳар ва район партия ташкилотининг раҳбарлигида коммунизм қурилиши планини амалга ошириш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИ БЎЙИЧА

Мамлакатимизда совет кишиси меҳнат қилиш ва дам олиш, соғлиғини муҳофаза этиш ва қариган чоғида моддий таъминотга эга бўлиш, уй-жой ва билим олиш ҳуқуқига эга деган сўзлар аллақачон одатдаги сўзлар бўлиб қолди. Ҳолбуки, бу қисқа сатрлар моҳияти жуда терандир. Мамлакатимизда ҳақиқатан ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун қилинмоқда. Фақат Киров районининг ўзидагина Юнусобод массивида сайловчилар накази билан 1900 ўринли 8 та мактабгача болалар муассасалари, 4312 ўринли 3 та мактаб қад кўтарди. 300 ўринли болалар касалхонаси, травматология ва ортопедия институтининг 500 ўринли поликлиникаси ишга туширилди.

Юнусобод массиви аҳолиси эндиликда «Тошкент» мебель бирлашмаси, «Гастроном» балиқ комплекси хизматларидан фойдаланмоқда.

Районни ободонлаштириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. А. Доғиш кўчаси бўйлаб йўл ўтказгич ишга туширилди. Бу эса Собир Раҳимов районига энг қисқа йўлни очди. 355,9 минг квадрат метр йўл ва йўлкалар капитал ремонт қилинди. 38,5 километр ирригация тармоқлари тозаланди, 6,5 гектар майдон кўкаламзорлаштирилди, Х. Эргашев кўчаси, София проспекти реконструкция қилинди. Шу давр ичида 12 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси очилди. Бу йил Юнусобод массивидаги СВ—4 кварталида, 1983 йилда эса А—4 микрорайонида маиший хизмат кўрсатиш уйлари қурилади.



Бу суратда «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг эксперименталь цехида меҳнат қилаётган илғор слесарь Фарҳод Собиров ва цех бошлиғи Эдуард Цойлар акс эттирилган.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Районнинг 10 мингдан зиёд кичкинтойлари ёзни пионер лагерларида ўтказишади. Чимён, Оқтош ва Чирчиқнинг гўзал ерларига жойлашган «Механизатор», «Старт», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» ва бошқа пионер лагерлари кичкинтойларни кутмоқда. 11 та мактабда шаҳар пионер лагерлари ишлаб турибди. Уларда кичкинтойлар дам олиши учун ҳамма шароитлар яратилган. Уларнинг ҳар бир куни қизиқарли ва мазмунли ўтишига ғамхўрлик қилинади.

Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхозда жойлашган 2 та меҳнат лагерида юқори синф ўқувчилари дам оладилар. Бундан ташқари мактаб ва ЖЭКлар қошида 25 та болалар соғломлаштириш майдончалари ташкил этилган.

Факт ва рақамлар

● Шаҳарнинг шимолий қисмига жойлашган Киров райони 1936 йил 1 сентябрда ташкил этилган. Уша пайтда территориясининг 86 проценти қишлоқ хўжалик зонаси эди. Ҳозир бу ерда 10 та саноат корхонаси, 13 та илмий-тадқиқот институти, 3 та олий ўқув юрти, 2 та ўрта махсус ўқув юрти, 5 та ҳунар-техника билим юрти, 27 та умумтаълим мактаби, 75 та мактабгача болалар муассасалари ишлаб турибди.

● Район саноатида енгил, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш етакчи ўрин тутади.

● Бу йил район корхоналарида 22 хил кенг истеъмол моллари ўзлаштирилди. 1981 йилда эса улар сони 26 та эди.

● Кейинги йилларда савдо ва умумий овқатланиш янада ривожланди. Районда 105 та озиқ-овқат ва 122 та саноат моллари магазини, 179 та умумий овқатланиш корхонаси, 165 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси, 21 та алоқа бўлими аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

● Районда медицина муассасалари тармоғи анча кенг. Районда 8 та касалхона, 12 та поликлиника, 3 та санаторий бор. Йил охиригача яна битта шифохона ишга тушади.

● Ўтган йиллар ва шу йилнинг беш ойи ичида аҳолига 19,9 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу мўлжалдагидан 318 минг сўм кўпдир.

● 1982 йилда 10 та савдо, социал-маданий, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилади. Шу жумладан 35 минг китобга эга бўлган кутубхона, дорихона, 2 та мактаб, 1 та болалар боғчаси, магазинлар ишга тушади. 1982 — 83 йиллар мобайнида ҳар бири 100—300 машинага мўлжалланган 14 та очиқ усулда автомобиллар тўхташ жойлари қурилади.

Маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари учун

Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари учун 129-техника билим юрти ташкил топгандан буён 2200 малакали мутахассис тайёрлаб берди. Улар орасида ошпаз ва сотувчилар, официант ва қандолатчилар бор. Агар 1975 йилда бу ерда 250 ўқувчи таълим олган бўлса, ҳозир улар сони 1087 га етди.

Бу йил ўқув юртини битирадиган 535 ўқувчи маиший хизмат кўрсатиш тармоқларига ишга боришади. Бу йил улар ўрнига 550 ўқувчи қабул қилинади. Ҳозиргача 575 та ариза тушди. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда янги тўртта лингофон кабинетлари очилади. Шу мақсадда 20 минг сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Районда аҳолига маиший хизмат кўрсатишга катта аҳамият бериляпти. Фақат 1981 йилнинг ўзида қўшимча майдонлар, «Янгилик» трикотаж бирлашмаси, транзисторли радиоприемникларни ремонт қилувчи ателье, В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида сартарошхона фойдаланишга топширилди. Олмазор массивидаги «Бахт» уйида хизмат кўрсатишнинг янги усули ташкил этилди. Узбекистон кўрлар жамиятининг ишлаб чиқариш бирлашмасида эса пойафзал ремонт қилувчи янги устахона ишга тушди.

КЎЧАЛАР ЧИРОЙИ

Район тобора кўркамлашиб ва ободонлашиб бормоқда. Қисқа муддатда СССР халқлари дўстлиги майдони таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ерда Халқлар дўстлиги монументи ўрнатилди, икки томонлама ер ости йўли, фотомузикали фаввора қурилмоқда.

Халқлар дўстлиги проспекти ўзгарди. Тошкент метросининг В. И. Ленин номидаги майдон станцияси, дўстлик дам олиш зонаси, Қатортол, Муқимий ва бошқа кўчаларда 197 минг квадрат метр йўл ва йўлка капитал ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, Жанубий-Ғарбий саноат зонасида Собир Раҳимов темир йўл станцияси бўйлаб катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Фақат фактлар

● Ҳозир халқ депутатлари район Советининг турар жой фонди 800 га яқин уйдан иборат бўлиб, умумий майдони 1 миллион квадрат метрдан кўп. Ўтган икки йилда бу биноларни жорий ва капитал ремонт қилиш учун 6,4 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди.

● Сайловдан-сайловгача бўлган даврда 38 километр ирригация шахобчаси, 19 километр ёритиш шахобчаси капитал ремонтдан чиқарилди, 6 километр газ қувури ўрнатилди.

● Товар обороти плани икки йилда 638 миллион сўмликни ташкил этди. Аҳолига планга қўшимча 4,1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ҳар бир кишига ҳисоблаганда товар обороти 1531 сўмликни ташкил этди. Бу кўрсаткич шаҳарда 1139 сўмдан иборат. Мева, сабзавот, картошка тайёрлаш, сақлаш, уларни қайта ишлаш такомиллашиб боряпти. Ҳар йили Чизонзорликлар учун 30 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрланмоқда.

Икки йилда район аҳолисига 18,8 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Бир кишига хизмат кўрсатиш ҳажми 1980 йилда 39 сўм 73 тийинни ташкил қилган бўлса, 1981 йилда 43 сўм 70 тийинга етди.

● Маориф ва соғлиқни сақлашнинг моддий базаси мустаҳкамланиб боряпти. 1981 йилда касалхоналардаги ўрин 1585 тага етди. (1980 йилда эса 1285 та эди).

● Физкультура ва спорт ишларини ривожлантириш яхшиланмоқда. Районда ҳозир 204 спорт иншооти бор. Ҳозир «Меҳнат резервлари» комплексининг иккинчи навбатини қуриш якунланяпти. Бу ерда иккита сузиш ҳавзаси, 15 минг ўринли стадион, 150 ўринли меҳмонхона, медицина маркази бўлади. «Ташметрострой» трести, «Средазнефтегазстрой» стадионлари, райондаги кварталларда соғломлаштириш шаҳарчалари ва бошқа спорт иншоотларини қуриш жадал суръатда олиб бориляпти.

МАГАЗИН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Районда савдо корхоналарининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб боряпти. Жумладан, сайловдан-сайловгача бўлган вақтда Олмазор массивида жойлашган «Ҳаммаси аёллар учун, ҳаммаси эркаклар учун» совғалар магазини фойдаланишга топширилди. Халқлар дўстлиги проспектида 34-«Универсам» магазини ишга тушди. «Наврўз» ўз-ўзига хизмат қилиш магазини реконструкция қилинди. «Таштекстильшвейторг»нинг бешта магазини очилди ва бошқа объектлар қад кўтарди.

Булар билан бир қаторда ошхоналар, кафелар ҳам кўпайиб боряпти. Жумладан ишлаб чиқариш комбинатида умумий овқатланишнинг янги объектлари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, автомобиль мактаби, ДОСААФ биносида ва бошқа жойларда ҳам ошхона ва кафелар ташкил этилди.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Чилонзор районида бутун шаҳарда бўлганидек сайловчилар билан учрашув сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигида ўтмоқда. Бу кўтаринкиликни янада юксалишига КПСС Марказий Комитетининг май (1982) Пленуми асос бўлди.

В. И. Ленин номидаги Тошкент педагогика билим юртида жойлашган 23-сайлов участкасида Чилонзор районидаги 462-округдан Тошкент шаҳар Советига депутатликка номзоди кўрсатилган кўкрак хирургияси илмий-текшириш институтининг директори В. В. Воҳидов, 71-округдан Чилонзор район Советига номзоди кўрсатилган «Главташкентстрой» 2-монтаж бошқармасининг монтажчиси Л. И. Манякина, 72-округдан номзоди кўрсатилган «Ўзбекбирлашув» партия бюросининг секретари А. К. Расулова ва 73-округдан номзоди кўрсатилган 7-автомобилга техник хизмат кўрсатиш станциясининг слесари К. С. Нортожиев билан сайловчиларнинг учрашуви ўтказилди. Кандидатларнинг ишончли вакиллари Д. С. Ғуломов, З. С. Лисняк, И. И. Каплун ва С. К. Аъзамов сайловчиларни кандидатларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятлари билан таништирдилар. Сайловчилар номидан К. Абдураҳмонов, Х. Жабборова ва Л. Пенькова сўзга чиқишди. Улар депутатликка кандидатларнинг эътиборини «Союзпечать» бўлими хизматини ва район меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратдилар. Шунингдек, педагогика билим юртини ободонлаштириш, 26-квартал ва Халқлар дўстлиги проспектларини ободонлаштиришни таклиф этишди.

Участканинг барча сайловчилари сайлов куни халқнинг энг яхши ўғил ва қизлари учун овоз беришади.

К. ЖУМАНИЕЗОВ.



Юнусобод массивида бунёд этилаётган янги СВ—4В микрорайонида яна бир беш қаватли турар жой биноси қад ростлади.

СУРАТДА: янги турар жой биносини кўриб турибсиз.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.



Олимлар халқ сиҳат-саломатлиги учун турли дори-дармонлар яратишмоқда. Узбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институти лабораторияларида олимлар ўсимлик моддаларини ҳар томонлама текширишяпти.

СУРАТДА: (чапдан) ўсимликлардан дори препаратлари ишлаб чиқариш экспериментал технологиясининг катта илмий ходими, техника фанлари доктори Ҳ. Орипов ва лаборатория ходими А. Аширматов махсус аппаратда тажриба ўтказишмоқда.

В. Сиротнин фотоси.

• *Фан ва техника изланишлари*

Қуёш БАМга хизмат қилади

Тинда чеккасидаги «Бамтранстехмонтаж» трестининг ишчилар ётоқхонасини қиш бўйи қуёш... иситиб чиқди. Махсус ўрнатилган қуёш энергиясини йиғиб, иссиқ сув билан таъминлаш системасига бериб турди ва шу билан ҳатто қаҳратон совуқда ҳам уйларда керакли температурани сақлашга ёрдам берди.

Иситиш мавсуми тугаши билан ниҳоясига етган эксперимент унинг авторлари — «Главбамстрой» махсус конструкторлик-технология бюроси ходимларининг айтишларича, анъанавий иссиқлик манбаларини тежаш мақсадида қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятини тасдиқлади. Бу ерда электр сарфи контролдаги бинога нисбатан қарийб учдан бир ҳисса кам бўлди.

— Бундай экспериментлар бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда ўтказиб келинаётган бўлсада, шимолий кенгликнинг 50-градуси ортида илк бор ишлатиб кўрилаётир, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда махсус конструкторлик-технологик бюросининг бўлим бошлиги. техника фанлари кандидати В. Пластун. — Айни шу ерда, БАМ зонасида айниқса қурувчилар посёлкаларини иссиқ сув билан таъминлаш проблемаси ғоят муҳим бўлиб турибди. Бу регионда паст температура йилига тўққиз ой давом этади, энергия ресурсларини келтириш эса қийин. Бундан ташқари мангу музлик шароитларида ташқи иссиқ сув тармоқларини кўриш харажатлари кўп. Ҳолбуки, бу ердаги қуёшли кунлар сони мамлакатнинг жанубий районларига яқинлашади.

Ходимларимиз бундай системалардан кўплаб ишлаб чиқарилаётган бинолларда ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш учун қулай районларда бугунги кунда ўнлаб миллион киши яшамоқда. Қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига ёқилғи-энергетика ресурслари сарфининг камайиши халқ хўжалигига жуда катта иқтисодий самара беради.

В. БИРЮКОВ,
ТАСС мухбири
Тинда,
Амур области.

Михаил МОРОЗОВ, Григорий РОПСКИЙ, Олег СИДЕЛЬНИКОВ.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

ҲУКМ ИЖРО ЭТИЛДИ...

(РОМАН-ХРОНИКАДАН ПАРЧА)

Ушбу китоб ёш Туркистон республикасини ҳимоя қилишда қатнашган биринчи чекистлар, жиноий қидирув ва милиция ходимларининг сўнмас жасорати ва порлоқ хотирасига бағишланади.

Асар Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида нашрга тайёрланмоқда. Қуйида эътиборингизга ана шу роман-хроникадан парча ҳавола қиламиз.

ҚАҚШАТҒИЧ ЗАРБА

Ўн саккизинчи йил, октябрь ойининг охири анча илиқ келди. Теракларнинг барглари оҳиста шитирлаб, ерга тушарди. Иссиқ ўлкаларга учиб кетишни хаёлларига ҳам келтирмаётган чуғурчуқлар чирқиллашларини қўйишмасди. Мовий осмон бағрида эса қуёш майин, ҳузурбахш ёғду сочарди. Фақат баъзан-баъзан совуқ шамол дайдиб қоларди-ю, лекин у ҳам куз осмонида учиб юрган мезонларга сингиб кетарди.

Мана шундай роҳатбахш кунларда нафас олиш ҳам аллақандай енгил бўлар, киши қалбида эса завқ-шавқ туғён урарди.

Лекин октябрнинг бундай илиқ-иссиқ кунлари Британиянинг Тошкентдаги «Ҳарбий—дипломатик миссияси» бошлиғи Жордж Маккартнейни қитиқлаям қувонтирмасди. У қовоғи солинган ҳолда «Регина» меҳмонхонасидаги ўзининг «Люкс» хонасидаги очиқ дераза олдида ўтириб, гохида бурни устига қўндирилган вазминагина кўзойнагини тўғрилаганча, кўчани томоша қиларди. Каштаннинг тўкилаётган барглари ҳавода чарх уриб ўйнаганча, тош йўлга астагина қўнарди. Лекин йўғонлиги беш қулоч келадиган басавлат чинорлар ўзларининг кўкимтир-қизғиш «бешпанжа»ларини тўкишга шошилишмасди.

Вазият тақозоси билан Тошкентдаги «миссияга» бошлиқ этиб тайин этилган Англиянинг Қашқардаги собиқ консули сэр Маккартней ташвиш-ла ўтган ойлардаги воқеаларни хаёл кўзгусида бирма-бир жонлантирарди. Унинг «миссияси» Туркистон республикаси ҳукумати қошида дипломатик ваколатхона очиш учун расмий низомга эга эди. Амалда эса у барча контрреволюцион кучларнинг йиғадиган марказига айланган, бу ерга ошаддий монархистлардан тортиб, «революцион» иборалар билан сафсата сотувчи олифта эсерларгача йиғилишарди.

Маккор разведкачи хўрсинди: унинг қалби безовта эди. «Туркистон бўйича Британия ҳарбий миссияси»нинг бошлиғи генерал Маллесон Закаспийга инглиз қўшинлари бостириб киргач, Асхободда жойлашиб олди, у ерда инглизлар тобесида бўлган Фунтиков бошлиқ эсерлар ҳукумати тузилгач, ҳамма иш жойида бўлди, энди бемалол ҳаракат қилса бўлади деб ўйлаган эди. Лекин Британия қўшинлари Закаспийда кетма-кет мағлубиятга учрамоқда. 14 октябрь куни Душак станциясида генерал Литвинов бошлиқ Британия ва сараланган оқ гвардиячи-эсерларднан ташкил топган қўшинлари осонгина тор-мор бўлди! Британия мустамлака қўшинларининг фахри — 19-Панжоб, 17—Йоркшир, 15—Хемпшир голклари деярли жанговарлик қобилиятларини йўқотишди ва кўплаб талафот кўришди. 28-енгил отлиқ полкининг деярли ярми қизил қиличлар томонидан янчилди. 44-кучайтирилган оғир артбатарея эса умуман йўқ бўлиб кетди. Африкаликлардан ташкил топган унинг шахсий составидаги воқеаларни хаёл кўзгусида бирма-бир жонлантирарди. Унинг «миссияси» Туркистон республикаси ҳукумати қошида дипломатик ваколатхона очиш учун расмий низомга эга эди. Амалда эса у барча контрреволюцион кучларнинг йиғадиган марказига айланган, бу ерга ошаддий монархистлардан тортиб, «революцион» иборалар билан сафсата сотувчи олифта эсерларгача йиғилишарди.

Маккор разведкачи хўрсинди: унинг қалби безовта эди. «Туркистон бўйича Британия ҳарбий миссияси»нинг бошлиғи генерал Маллесон Закаспийга инглиз қўшинлари бостириб киргач, Асхободда жойлашиб олди, у ерда инглизлар тобесида бўлган Фунтиков бошлиқ эсерлар ҳукумати тузилгач, ҳамма иш жойида бўлди, энди бемалол ҳаракат қилса бўлади деб ўйлаган эди. Лекин Британия қўшинлари осонгина тор-мор бўлди! Британия мустамлака қўшинларининг фахри — 19-Панжоб, 17—Йоркшир, 15—Хемпшир голклари деярли жанговарлик қобилиятларини йўқотишди ва кўплаб талафот кўришди. 28-енгил отлиқ полкининг деярли ярми қизил қиличлар томонидан янчилди. 44-кучайтирилган оғир артбатарея эса умуман йўқ бўлиб кетди. Африкаликлардан ташкил топган унинг шахсий составидаги қўйишмасди. Мовий осмон бағрида эса қуёш майин, ҳузурбахш ёғду сочарди. Фақат баъзан-баъзан совуқ шамол дайдиб қоларди-ю, лекин у ҳам куз осмонида учиб юрган мезонларга сингиб кетарди.

Мана шундай роҳатбахш кунларда нафас олиш ҳам аллақандай енгил бўлар, киши қалбида эса завқ-шавқ туғён урарди.

Лекин октябрнинг бундай илиқ-иссиқ кунлари Британиянинг Тошкентдаги «Ҳарбий—дипломатик миссияси» бошлиғи Жордж Маккартнейни қитиқлаям қувонтирмасди. У қовоғи солинган ҳолда «Регина» меҳмонхонасидаги ўзининг «Люкс» хонасидаги очиқ дераза олдида ўтириб, гохида бурни устига қўндирилган вазминагина кўзойнагини тўғрилаганча, кўчани томоша қиларди. Каштаннинг тўкилаётган барглари ҳавода чарх уриб ўйнаганча, тош йўлга астагина қўнарди. Лекин йўғонлиги беш қулоч келадиган басавлат чинорлар ўзларининг кўкимтир-қизғиш «бешпанжа»ларини тўкишга шошилишмасди.

Вазият тақозоси билан Тошкентдаги «миссияга» бошлиқ этиб тайин этилган Англиянинг Қашқардаги собиқ консули сэр Маккартней ташвиш-ла ўтган ойлард

ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНЛАР!

«ТАШКНИГА» ИДОРАСИ

Тошкент шаҳри китоб савдоси

СИЗГА ЎЗБЕК ТИЛИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

Ф. Достоевский. «ТЕЛБА». Роман. Г. Ғулом нашриёти, 1982 й., баҳоси 3 сўм 80 тийин.

Оноре де Бальзак. «ГОБСЕК». Сағри терн тилсими. Қисса. Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Соҳиб Жамол. «МУҲАББАТ ҚАМАЛАГИ». Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, баҳоси 2 сўм 30 тийин.

Шубхаш Мукержи. «ҒАЛАЁН». Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил 1 сўм 40 тийин.

Ҳабиб Нуъмон. «ЕШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ». Қиссалар, Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 30 тийин.

Бузург Алавий. «УНИНГ КЎЗЛАРИ». «Прогресс», нашриёти, 1981 йил, баҳоси 1 сўм 30 тийин.

М. Муҳамедов. «ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ». 1 том. Қиссалар. Ғ. Ғулом нашриёти, 1980 йил, баҳоси 1 сўм 20 тийин.

М. МУҲАМЕДОВ. II том. Ҳикоялар, шеърлар, баҳоси 1 сўм 60 тийин.

Н. Б. Коростелев. «А ДАН Я ГАЧА». Тошкент, 1981 йил, баҳоси 30 тийин.

О. Еқубов. «УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИ». Роман Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 1 сўм 40 тийин.

Ж. Шарипов. «САЙЛАНМА». 1 Хоразм романи. Ғ. Ғулом нашриёти. 1981 йил, баҳоси 1 сўм 60 тийин.

Ж. Шарипов. «САНЛАНМА». II. Хоразм романи, Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 2 сўм 80 тийин.

Мирмуҳсин. «ИЛДИЗЛАР ВА ЯПРОҚЛАР». Роман. 1 қисм. Ғ. Ғулом нашриёти, баҳоси 1 сўм 20 тийин.

П. Қодиров «ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР». Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 1 сўм 80 тийин.

Ҳ. Ғулом. «МАНГУЛИК». Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, 1982 йил, баҳоси 1 сўм 60 тийин.

Г. Серебрякова. «ҲАЁТ ЧЎҚҚИЛАРИ». Роман, Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 2 сўм 30 тийин.

У. Ҳошимов. «ҚУЁШ ТАРОЗИСИ». Ҳикоя. Қиссалар. Ғ. Ғулом нашриёти, 1980 йил, баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Увайсий шеърятидан. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти, 1980 й., баҳоси 65 тийин.

БУ КИТОБЛАРНИ «КНИГА-ПОЧТОЙ» МАГАЗИНИ ОРҚАЛИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
Магазин адреси: 700122, Тошкент шаҳри, Волгоград кўчаси, 10«а»-уй, 39-магазин.

ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ

Магазиндан харид қилинадиган саноат молларига СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг ҳисоб-китоб чеклари билан ҳақ тўлаш жуда қулай. Ана шундай чеклар билан баҳоси 200 сўм ва ундан қиммат бўлган ҳар қандай товар қийматини тўлаш мумкин. Бу чек эгасини товар харид қилиш учун ёнида нақд пул олиб юриш заруратидан озод қилади.

Ҳисоб-китоб чеки номи ёзилган пул ҳужжатидир. Бундай чеклар омонат кассалари томонидан омонат бўйича ҳисобда сақланаётган маблағлар ҳисобига ёки омонат кассасига қўйилган нақд пул ҳисобига 200 сўмдан 10.000 сўмгача берилиши мумкин.

Ҳисоб-китоб чеки берилган жойидан қатъи назар, исталган шаҳардаги ёки мамлакатимизнинг исталган районидаги магазиндан харид қилинган товар ҳақи сифатида тўланиши мумкин. Чек икки ой давомида ўз қийматини йўқотмайди.

Бирон сабаб билан белгиланган муддатда чеклар фойдаланилмай қолган тақдирда, чек берилган шаҳар ёки райондаги марказий омонат кассасига тақдим этилиши лозим. Бундай ҳолда чекнинг қиймати эгасининг илтимосига биноан омонатга қўшиб қўйилади ёки нақд пул билан тўланади.

СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Тошкент шаҳар бошқармаси.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат Комитети

Граждан авиацияснинг 243-заводи ҳузуридаги

121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йили учун

йигит ва қизларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф маълумотидагилар учун ўқиш муддати — 3 йил; 10-синф маълумотидагилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради: учиш аппаратларини йиғувчи-клепальщик, учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, авиадвигателларни йиғувчи-слесарь, учиш аппаратларининг асбоб-ускуналари бўйича электр монтажчи, механика-йиғув ишлари слесари, токарь, электр пайвандчи.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ, 8, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар Граждан авиацияснинг 243-авиаремонт заводида ва Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг бўлимларида ҳамда шаҳарнинг бошқа корхоналарида ишлайдилар.

Завод ишчилари отпуска вақтида самолётларда учиш учун имтиёзли билетлар ва Граждан авиацияси ходимлари учун жорий этилган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

Уч йил муддатли таълим группаси талабалари ўқиш даврида гўла давлат таъминотида бўладилар ва Граждан авиацияси кийим-бош формаси билан таъминланадилар.

Бир йил муддатли таълим группаси ўқувчилари эса 68 сўмдан 80 сўмгача стипендия оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар институтларга, Граждан авиацияси техникумларига ўқишга юборилади-лар.

Билим юртига ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, саломатлиги ҳақида справка (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см.), ўқиш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 17. 00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Граждан авиациясининг авиасозлар шаҳарчаси (25, 66, 61, 39-автобусларнинг «Авиасозлар шаҳарчаси», 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекати). Телефонлар: 91-20-33, 99-96-03, ички телефон 6-46.

КИНО

15 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КАРНАВАЛ» — **Чайка** (18, 21.00, телефон 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (17, 18, 20.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (17, 20.00, телефон 66-15-75), **Хива** (22.00, телефон 32-78-02), **Ҳамза номли** (16, 18.30, 21.00, телефон 91-10-51).

«ГОБИ ВА ХИНГАН ОША» — **Қозоғистон** (21.00), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (17, 20.00, телефон 33-44-52).

«ЭСЛАШ ЕКИ УНУТИШ» — **Дружба** (19, 21.00, телефон 66-15-75).

«ТОМЧИ» — **Узбекистон ССР нинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ИЛОН ИИЛИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ШЛЯПА» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00, телефон 48-42-80).

«ЮЛДУЗ УЧИШИ» — **Искра** (17, 20.00, телефон 39-11-76).

«Союзтелефонстрой» трестининг Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси

АЛОҚА МОНТАЖЧИЛАРИ — КАБЕЛЧИЛАР ВА ҚАЛАЙЛОВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 ой.

Ўқиш «Союзтелефонстрой» трестининг Минск шаҳридаги ўқув базасида олиб борилади.

Курсларга 8—10 синф маълумотидаги Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ёшлар қабул қилинадилар.

Ўқиш даврида курсантлар га 76 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

МУЗИКА ШИНАВАНДАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агарда шу вақтга қадар ўзингиз яхши кўрган чолғу асбобида куй чалишни ўрганмаган бўлсангиз, сизни

халқ филармонияси ҳузуридаги

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ КЕЧКИ МУЗИКА МАКТАБИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Музика мактабида турли касбдаги ва турли ёшдаги (6 ёшдан 45 ёшгача) кишилар ўқишади. Бу ерда гитара, дўмбира, уриб чалинадиган чолғу асбоблари, баян, аккордеон, скрипка, ўзбек халқ чолғу асбоблари, фортепьяно чалишни ўрганиш мумкин.

Курсни битирганларга вокал музика мактабини битирганликлари ҳақидаги ўрта ва олий ўқув муассасаларига кириб ўқиш ҳуқуқини берувчи аттестат топширилади.

Ҳужжатлар 20 сентябргача қабул қилинади, қўшимча қабул октябрь ойи давомида ўтказилади.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Будённий кўчаси, 123-уй (2, 3, 80-автобусларнинг «ГАИ» бекати).

ЯНГИ ЗАРГАРЛИК МАГАЗИНИ

У энг талабчан харидорларни ҳам қаноатлантиради. Унинг савдо залларн, девор ва қандилларн ганч ўймакорлиги билан жиҳозланган, магазинда кўрикка қўйилган товарлар ажойиб безатилган. Бу товарлар пештахта ойналари остида олмосларнинг турли қирраларидек ярқирайди, олтинранг қаҳрабо қиёфасида товланади, кўза ва қумғонлар нозик нақшлари билан мафтун этади.

Янги магазининг биринчи қаватида соатлар билан савдо қилувчи бўлим жойлашган. Бу ерда мамлакатимиздаги барча соатсозлик заводларининг маҳсулотлари бор. Деворлари витриналарга эркаклар ва хотин-қизларнинг турли-туман қўл соатлари кўргазмага қўйилган. Ҳар бир витрина маълум бир заводнинг: бири — Москвадаги **«Полёт»**, **«Восток»**, **«Луч»**, **«Слава»** заводларининг, бири — Минскдаги **«Электроника»** заводининг; бири — Қуйбишевдаги **«Заря»** заводининг маҳсулотлари билан таништиради. Янги магазинда столга қўйиладиган, деворга осиладиган соатлар ҳам кўп. Бу ерда «эскичасига» ишланган ва энг замонавий моделдаги соатлар бор.

Иккинчи қаватда — тилла, биллур, мельхиордан ясалган буюмлар. Биллур кўзалар, «қайиқлар» витрина кўзгуларида акс этади, тақинчоқ-маржонлар, тўғноғичлар, зирак ва қулонлар; бриллиант кўзли тилла узуклар, қаҳрабо, ёқут, лазурит, аметист кўзли эркакларнинг узуклари, тақинчоқли ва тақинчоқсиз занжирлар, никоҳ узуклари камалак рангида товланади. Магазинда кумушдан ясалган буюмлар — узуклар, зираклар, занжирлар, тўғноғичлар ҳам жуда кўп.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Сизларни 1-Май кўчаси, Марказ—1 «б» кварталида жойлашган янги заргарлик магазинига таклиф қиламиз. Магазиннинг иш соатлари — 10 дан 19.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.

Магазинга 3, 13, 15, 25, 27, 28-трамвайларда бориш мумкин. «Куйбишев район ижроия комитети» бекати).



«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

1982 — 83 ўқув йили учун

8 — 10 синф маълумотли ўқувчилардан

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Техникум телевизион техника ва радиорелей алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, кабель узатиш алоқа иншоотн, почта алоқаси, автомат электр алоқаси, кўпканалли электр алоқаси, телеграф алоқаси ва маълумотларни узатиш, бухгалтерия ҳисоби (сиртқи бўлимда) **ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлайди.**

Кундузги бўлимда техника ихтисосликлари бўйича ўқиш муддати: **8 синф ҳажмида — 3 йилу 10 ой, 10 синф ҳажмида — 2 йилу 8 ой; почта алоқаси мутахассислигига 10 синф ҳажмида ўқиш 1 йилу 10 ой.**

Техника ихтисосликлари бўйича сиртқи бўлимда ўқиш муддати 8 синф ҳажмида 5 йилу 10 ой, 10 синф ҳажмида 3 йил, почта алоқаси ва бухгалтерия ҳисоби ихтисослигига 10 синф ҳажмида 2 йил.

Бошқа шаҳардан келиб кундузги бўлимда ўқиётганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кундузги бўлимнинг яхши ўқиётган барча ўқувчиларн ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. Аълочиларга 30 сўмга 25 процент қўшиб берилади.

Кундузги бўлимни аъло диплом билан битирганлар ўқишни давом эттириш учун институтларга йўлланма оладилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Аризалар: кундузги бўлимга — 8 синф ҳажмида 31 июлгача, 10 синф ҳажмида 10 августгача, сиртқи бўлимга 10 августгача қабул қилинади.

Аризага маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), 2х5 см. ҳажмида 6 та фотосурат, меҳнат дафтарчасининг нусхаси (ишловчилар учун), қўшиб топширилади.

Кириш имтиҳонлари кундузги ва сиртқи бўлимларига 1 дан 20 августгача математика (оғзаки), **рус тили** (диктант), — **8 синф ҳажмида; математика** (оғзаки), **рус тили** (ишло) — **10 синф ҳажмида.**

Техникум адреси: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (14, 48-автобуслар, 10-троллейбуснинг «Лабзак» бекати, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекати). Телефонлар 41-35-58, 41-35-68.

ИТ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида ҳайвон асраш тартибига мувофиқ, итларни рўйхатдан ўтказиш ва ветеринария ишловини бериш муддати шу йилнинг биринчи ярмида тугайди.

Барча ит эгаларидан 1982 йил 1 июлга қадар итларни яшаш жойлари бўйича уй-жой органларида рўйхатдан ўтказиб, ит рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги справкани профилактика тариқасида ветеринария назоратидан ўтказиш ва эҳтиёт чорасида эмлаш учун ўз территорияларидаги ветеринария муассасаларига топшириширини илтимос қиламиз.

1 июлдан бошлаб белгиланган муддатда рўйхатга олинмаган ва ветеринария ишловдан ўтмаган барча итлар мажбуран олиб кетилади.

Ёдингизда бўлсин, гражданларга бир оилада фақат бир ит боқишга рухсат бериладн.

Ит ва мушукларни уйдан ташқарида қаровсиз қолдирманг, улар ўткинчилар учун ҳавф туғдириши, тишлаб олиши мумкин.

Эгаларининг қаровисиз уйдан, квартирадан ташқарида юрган итлар дайди ит ҳисобланади ва ушлаб олиб кетилади.

Итларни ветеринария ҳужжатларисиз ва белгиланмаган жойларда сотиш ва сотиб олиш ман этилади.

Итларни асраш тартибига риоя қилиш санитария режимини сақлаш ва ҳавфли касалликларнинг олдини олиш учун хизмат қилади.

Ҳайвонларни асраш қоидаларига қатъий амал қилишингизни сўраймиз!

Тошкент шаҳар ветеринария-санитария станцияси.

ТОШКЕНТ ЁНИЛҒИ БАЗАСИ

аҳолига нақд пулга темир-бетон конструкцияларни

РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ:

тўсиқ учун ишлатиладиган серғовак плиталар, ерга ётқизиладиган плиталар, паст тўсиқлар, суғориш лотоклари, канализация қудуқлари, перемичкалар, тўсиқ панеллари, тўсиқ устунлари, ташқи девор панеллари, ички девор панеллари, лифт шахталарининг блоклари, устун блоклари, фундамент блоклари, шағал, тайёр бетон ва бетон учун тайёр цемент қоришмаси шулар жумласидандир.

Тайёр бетоннинг 1 кубометри — 20 сўм 12 тийиндан 43 сўм 61 тийингача туради.

Цемент қоришмасининг 1 кубометри — 17 сўм 94 тийиндан 40 сўм 99 тийингача туради.

Ниғма темир-бетон буюмларнинг донаси — 9 сўм 59 тийиндан 303 сўм 81 тийингача туради.

Юқорида айтиб ўтилган буюмлар қуйидаги адресларда жойлашган ёнилғи омборларида реализация қилинади:

№ 1 — 2-Инподром проезди, 58-уй. Телефон 91-39-85.

№ 2 — У. Ширин кўчаси, 136-уй. Телефон 48-25-62.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, У. Ширин кўчаси, 125-уй. Телефонлар: 48-46-81, 48-46-22, 48-25-35.

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

СИЗНИНГ

ХИЗМАТИНГИЗДА

Ёз — отпускалар, каникуллар мавсумидир. Дам олгани бошқа шаҳарга отланар экансиз, йўл билетини қандай қилиб ортиқча ташвишсиз сотиб олиш ҳақида ўйланиб қоламиз.

Бу пайтда «Ўзтрансэкспедиция» бошқармаси қошидаги ихтисослаштирилган «Сервис» агентлиги ходимлари сизга ёрдамга келишади.

Сиз 41-80-11 ёки 41-80-12 телефон номерлари орқали қўнғироқ қилиб, самолёт билетларини олдиндан уйингизга ёки хизмат жойингизга етказиб беришлари учун буюртма беришингиз мумкин.

«СЕРВИС» агентлигининг шаҳарнинг турли районларида жойлашган қабул пунктлари самолёт билетларини олдиндан реализация қилади.

Қабул пунктларининг адрес ва телефонларини маълум қиламиз:

Марказий «СЕРВИС» агентлиги (авиакасса) — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, Марказ — 13, 35-уй. Телефон 41-80-22.

«СВЕТЛАНА» — М. Горький проспекти, 48-уй. Телефон 66-30-19.

«ХАДРА» — Навоий кўчаси, 38-уй. Телефон 44-36-75.

«ЧИЛОНЗОР» — Савдо маркази, 3-квартал, Маиший хизмат уйи. Телефон 77-00-20.

«ВУЗГОРОДОК» — Чимбой кўча, «Райҳон» ошхонаси. телефон 46-77-53.

4-ТУРАР ЖОЙ ШАҲАРЧАСИ — Лисунов кўчаси, 8-уй. Телефон 96-56-22.

«ТАШАВТОМАШ» — Луначарский шоссеси (сўнгги бекат). Телефон 64-08-72.

«ДЎСТЛИК» — Навоий кўчаси, 7-уй. Телефон 33-49-34.

«ВИСОКОВОЛЬТНИЙ» — Высоковольтний массиви, 82-уй. Телефон 62-63-45.

«САЁҲАТ» — Луначарский шоссеси, 115-уй.

«ЛЕНИНГРАД» — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти. Телефон 41-46-27.

«ТОШКЕНТ» — автовокзали — С. Раҳимов номли метро станцияси. Телефон 76-89-35.

СПУТНИК — Сергели район, Марказ — 3, 5-уй. Телефон 53-83-54.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

15 ИЮНЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.40 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурсда. 19.10 «Дунё воқеалари». 19.25 «Фан оламида». 19.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Бразилия — СССР терма командалари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Балет ҳақида». СССР халқ артисти Н. Тимофеева. 23.15 В. Коропенко. «Дарё ўйноқлаб оқади». 23.55 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Кулфат». Мультфильм. 18.20 «Ёш куч». Болалар учун спорт программаси. 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Советский воин» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди. Симфоник куйлардан концерт. «Баҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди. Симфоник куйлардан концерт. «Баҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ўзбекистон санъат усталарининг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонлари учун концерт. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган (25 майдаги концерт такрорланади). 23.50 Янгиликлар.

16 ИЮНЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Шотландия —Янги Зеландия терма командалари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 11.15 «Мурад Кажлаев. Оҳанглар ва йиллар». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.20 «Халқ депутати». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.40 «Горнчилар, қардошлар!». 16.25 Болалар учун фильм. «Каштанка». А. П. Чеховнинг шу номли ҳикояси асосида. 17.30 Туғилган кунининг 100 йиллигига. «Георгий Димитров. Ҳаёти саҳифалари». Телевизион ҳужжатли фильм.

18.25 Сайловлар олдидан. 18.40 Шахмат мактаби. 19.10 «Дунё воқеалари». 19.25 «Виргалинда аҳил оиламиз». 19.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Шотландия — Янги Зеландия терма командалари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Сеҳрли кристаллар». Илмий-оммабоп фильм. 22.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Англия— Франция терма командалари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 23.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Дон Кихот». Бадиий фильм. 10.50 Немис тили. 11.20 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 11.50 Мультфильмлар программаси. 12.15 СССР халқларининг музикали фольклори. 13.00 Болалар учун. «Барабанчининг тақдири». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.05 «Ота-оналар, Сизлар учун» 14.35 Арманистон ССР телевидениеси ва радиоси симфоник оркестрининг концерти. 15.40 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. «Портретга чизилар» (Саратов). «Музга чизилган расмлар» (Тошкент).

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Советская культура» газетасининг совғаси учун бадиий гимнастика бўйича Халқаро мусобақалар. Архангельскдан олиб кўрсатилади. 19.30 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Россиянинг ёш овозлари ва навқирон балети» I Бутунроссия фестивалининг якунловчи концерти. Улан-Удадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Хонадонингизга осойишталик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун. «Фонарик» (рус.). 12.00 «Том Сойернинг саргузашти». Телеспектакль. 1-қисм (рус.). 13.15 «Паспортсиз киши». Бадиий фильм.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Болалар учун. «Бизнинг сеҳрли шаҳримиз» (рус.). 18.25 «Ижод саҳифалари». К. Паустовский туғилган кунининг 90 йиллигига. 19.10 «Миллионлар ленинча университети». «Партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасида якунловчи машғулотларга доир». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Дирижёр Дилбар Абдураҳмонова». Фильм-концерт. 20.10 «Пилла — бойлигимиз». 20.30 «Ахборот». 20.50 Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди. Улуғбек Мусаев. «Ҳиндистон достони». СССР Давлат академик Большой театрининг спектакли. Танаффус пайтида (22.50) — «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди. Симфоник куйлардан концерт. «Баҳор» концерт залидан олиб кўрсатилади. 19.45 Врач суҳбати. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Абитуриентлар учун. Математика. 21.20 «Обь денгизи». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 МТ II.

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Узбекистана и Ташгорсовета. КП

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-53-32; хатлар — 33-79-70; аълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

15 ИЮНЬ, 1982 й. Р—07282. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байрок орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691 8